

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

49-сон
(809)
2017 йил
11 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1195. «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон Фармони

Учинчи бўлим

1196. «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги 959-сон қарори

1197. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги 960-сон қарори

Бешинчи бўлим

1198. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2017 йил 22 ноябрдаги 36-Б-сон «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан иш ўринларини меҳнат шартитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилотга хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2623-1*)
1200. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/1-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-3*)
1202. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/14-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-1*)
1203. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 16-мх-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2550-2*)
1204. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 17-мх-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-

ри (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2953*)

1205. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 31-сон «Биринчи гуруҳга қаттиқ хўжалик совунини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2493-1*)
1206. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 32-сон «Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2512-1*)
1207. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 33-сон «Биринчи гуруҳга сариеғ етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2492-1*)
1208. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 34-сон «Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2488-1*)
1209. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 35-сон «Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2483-1*)
1210. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 36-сон «Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2486-1)

1211. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 37-сон «Биринчи гуруҳга йодланган ош тузи етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2484-1*)
1212. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 38-сон «Биринчи гуруҳга шакар етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2485-1*)
1213. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 39-сон «Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консерваларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2489-1*)
1214. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 24 ноябрдаги 169-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-7*)
1215. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/18-сон «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-2*)
1219. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 274-В-1, 176-сон «Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган харбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1554-1*)

1220. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2017 йил 28 ноябрдаги 159-мх-сон «Ҳаво кемаларида почтани ташиш қодаларининг 93-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2530-1*)
1221. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954*)
1224. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 30 ноябрдаги 43-Б-сон «Касб-ҳунарغا ўқитиш марказларига ўқитишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2860-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 2 декабрдан 7 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1195 **Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф–5006-сон фармойиши билан ташкил этилган Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволи комплекс ва чуқур ўрганилди.

Мазкур жараёнда аҳолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари юқори фаоллик ва дахлдорлик ҳиссини намоён қилдилар.

Ўтказилган комплекс ўрганиш, аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот якунлари бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни тезкор кўришни талаб этувчи қатор тизимли камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга қўмаклашиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Мазкур таклифларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Аҳоли билан ўтказилган очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратифи-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 4 декабрда эълон қилинган.

кация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш ҳақидаги таклифлар қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умум-эътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, шу жумладан диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда юқори технологияли ихтисослашган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишнинг самарали механизмларини яратиш, ногиронликнинг белгилари пайдо бўлган вақтдан бошлаб уларни кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳволини таъсирчан мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шароитларини ҳар томонлама баҳолаш, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ягона комплекс тизимини жорий этиш;

тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишининг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг уй-жой-маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамни кенгайтириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шу жумладан сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг кулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида давлат-хусусий ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш;

замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг илгор ютуқлари, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг сифат стандартлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соғломлаштириш хусусиятидаги чора-тадбирларни яхшилаш, соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб бориш маданиятини тарғиб қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шу жумладан ногиронликни белгилашнинг самарали мезонларини қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қўйидагиларни таъминлаш чораларини кўрсин:

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

кўриш аъзолари заиф шахсларга овоз эшиттириш имконини яратиш мақсадида турли хилдаги дастурий таъминотларга давлат тилида махсус дастурлар, шу жумладан компьютер операцион тизимлари яратиш, уларни ушбу шахслар ўқиётган ва ишлаётган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда кейинчалик эркин тарқатиш, ўрнатиш, шунингдек, мазкур дастурларни яратиш учун салоҳиятли ҳомийлар топиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида ногирон-

лиги бўлган шахслар учун жойлаштирилган маълумотлар билан эркин танишиш ва хизматлардан фойдаланишга оид қўшимча имкониятлар жорий этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспорти пандуслар, алоҳида жойлар билан, бекатлар ва маршрутларни эшиттирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситалар билан жиҳозлаш, улардан эркин фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш бўйича жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирларни кўриш.

5. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги «Ўзавтосаноат» АЖ ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан биргаликда икки ой муддатда:

автомобилтранспорти воситалари ҳайдовчилари — ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун махсус мосламалар билан қайта жиҳозлашни таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

6. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни квота асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли идораларнинг фаолиятини қуйидагиларга қаратилган таклифлар тайёрлаш билан бирга қайта кўриб чиқишни таъминласин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларни тўлиқ ва комплекс кузатган ҳолда

кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш;

ихтисослаштирилган идора негизида ногиронликни белгилашни тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш;

тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронликка мувофиқлигини текшириш тартибини жорий этиш;

амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бермайдиган самарасиз тузилмаларни тугатиб, тегишли штат бирликларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳволини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жамғармани, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималардан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантиришни назарда тутган ҳолда, унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

10. 2018 йил 1 июндан бошлаб, ногиронлиги бўлган шахслар, тайинланган пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар тўғрисидаги комплекс маълумотларни ўз ичига олган, шунингдек, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш амалиётга татбиқ этилсин.

11. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, бошқа манфаатдор идоралар объектлар лойиҳалаштирилиши ва қурилишида архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлаш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагиларга:

барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги

бўлган шахслар жамиятлари корхоналари билан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар тузиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатувлар ва видеофильмларнинг субтитр ёки сурдо таржима билан олиб борилишини ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириш ва бўш вақти мароқли ўтишини таъминлаш учун махсус харфли нашрларни кенгайтириш тавсия қилинсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар ногиронликни белгилаш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича, биринчи навбатда, қуйидагиларга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин:

ногиронликни белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ногиронликни белгилаш тизимига яққол белгилари бўлган арз қилувчини ногиронлик белгилангунга қадар қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш, бунда унинг ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш мажбуриятини бекор қилиш;

коррупцияга сабаб бўладиган омилларни истисно этган ҳолда, зарур тартиб-таомиллардан ўтишнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, тартибини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган, шу жумладан автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти ҳақидаги маълумотларнинг тиббий хулосаларга киритилишини таъминлаш;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топшириш имкониятини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар:

ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашишни таъминлаш ва уларга ногиронлик пенсияси ва нафақалари тўлашнинг халқаро стандартларига ўтиш заруратини;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларни, шу жумладан оғир руҳий касалликка чалинганларни парвариш қилувчи шахсларнинг пенсияга чиқиши ва нафақа олиши, шунингдек, алоҳида тоифадаги ногиронлиги бўлган

шахсларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши имкониятини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ногиронликни белгилаш мезонлари ва ногиронлик пенсиялари, нафақалари тўлаш тартибининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг хориждаги етакчи ишлаб чиқарувчиларини аниқласин, кейинчалик ушбу соҳага, шу жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга кўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш қисми бўйича музокаралар ўтказсин.

15. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари мазкур Фармоннинг, шу жумладан Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
ПФ–5270-сон

**Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг
ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш				
1.	БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талаблари ва халқаро стандартларни, шунингдек, «ногирон» сўзи ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» атамасидан фойдаланишни назарда тутувчи «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил 1 августга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТ агентликлари
2.	БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш ва мавжуд салоҳият, хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек, мазкур Конвенцияни ратификация қилиш шартлари ҳамда оқибатлари таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда тегишли таклифлар киритиш.	Ратификация қилишга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар	2018 йил 1 июлга қадар	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ТИВ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, БМТ агентликлари
3.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли идоралар фаолиятини қуйидагиларга қаратилган таклифлар тайёрлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш: Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларни тўлиқ ва комплекс кузатган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 1 мартга қадар	Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>ихтисослаштирилган идора негизда ногиронликни белгилашни тўлиқ камраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш; тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронликка мувофиқлигини назорат қилиш ва текшириш тартибини жорий этиш; амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бермайдиган самарасиз тузилмаларни тугатиб, тегишли штат бирликларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.</p>			
4.	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини биринчи навбатда, қуйидагиларга йўналтирилган танқидий қайта кўриб чиқиш: ногиронликни белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш; ногиронликни белгилаш тизимига белгилари яққол кўришиб турган муружаат қилувчини ногиронлик белгилангунга қадар қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш, бунда ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш ташвишидан халос қилиш; соғлиқни сақлаш органлари зиммасига тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда улар томонидан ёрдам кўрсатиш бўйича мажбурият юклашни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш; 18 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тўғрисида тиббий ҳулоса бериш тартибини такомиллаштириш; шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, коррупциявий омилларни бартараф этган ҳолда зарур тартиб-таомиллардан ўтиш муддатларини қисқартириш ва тартибини соддалаштириш; комиссиялар таркибига ижтимоий ва касбий реабилитация, эрготерапия бўйича мутахассисларни киритиш; тиббий ҳулосаларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган маълумотлар, шу жумладан, автотransпорт воситаларини бошқариш имконияти тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминлаш; соғлиғи тиклаб бўлмайдиган касалликка чалинган, руҳий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган, шу жумладан, муддатсиз ногиронликни тасдиқлашда протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситаларини бепул олиш учун бир марталик тақдим этиладиган тиббий ҳулоса бериш тартибини жорий этиш орқали имконияти чекланган шахс-</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТТД, ЮНИСЕФ

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>ларни ҳисобга олган ҳолда тиббий хулосаларнинг амал қилиш муддатларини қайта кўриб чиқиш;</p> <p>айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топшириш имкониятини кенгайтириш;</p> <p>ёрдамга жуда муҳтож бўлган шахслар учун сиртдан ногиронлик тоифаси белгилашни жорий этиш.</p>			
5.	<p>Қуйидагилар ҳисобига фаолиятини ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳолини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ҳамда техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, улар учун ихтисослаштирилган иш ўринлари ташкил қилишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этиш:</p> <p>ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун тайинлангани ва ундириладиган жарима маблағларининг йўналтирилган қисми;</p> <p>қонун ҳужжатларида назарда тутилган ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш квотаси тўлдирилишини таъминламаганлик учун маблағлар ажратмалари.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
6.	<p>Замонавий талаб ва стандартлардан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасида ваколатли органлар фаолиятини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда қайта кўриб чиқиш, шунингдек, уларни доимий қайта кўриб чиқирилишини таъминлаш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 январга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, БМТТД, ЮНИСЕФ
7.	<p>Протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқариш давлат стандартларини ишлаб чиқиш, янгилаш ҳамда халқаро ҳужжатлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳамда кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ бошқа стандартлар уйғунлашуви бўйича чора-тадбирлар кўриш.</p>	Чора-тадбирлар мажмуи	2018 йил 1 февралга қадар	«Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
8.	Қўйдагиларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш: ногиронлиги бўлган шахслар тиббий-ижтимоий ҳимояси соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш; ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига, биринчи навбатда ижтимоий буюртма самарадорлиги ва аҳамиятини ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 1 мартга қадар	Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
9.	Долзарб муаммоларни аниқлаш, тўлиқ таҳлил қилиш, ногиронлиги бўлган шахслар турли гуруҳлари аҳволини баҳолаш, инфратузилма объектларида улар учун шароитлар мавжудлигининг алоҳида ҳисобини юритишга имкон берувчи маълумотларни комплекс тўплаш, умумлаштириш ва ҳисобга олиш тизимини жорий этиш орқали улар ҳаёт фаолиятининг барча соҳасини қамраб олиш имкониятини йўлга қўйган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларни статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТТД, ЮНИСЕФ, ЮНФПА
10.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг инженерлик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларига тўқинликсиз киришини таъминлаш бўйича талабларни бажаришдан бўйин товлаганлик, шунингдек, улар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Олий суд, Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
11.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузишга ваколатли аниқ органларни назарда тутувчи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан мониторинг тартиби ҳамда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш.	Қонун лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
12.	Шахслар ўртасида мулоқот воситаси сифатида ишлатиладиган имошора тилини янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий мақоми ва қўллаш соҳасини белгилаш, шунингдек, қўйдагилар юзасидан чора-тадбирлар кўриш: ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида (талаблардан келиб чиққан ҳолда) умумтаълим мактаблари негизида имошора тили ва Брайл алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 15 мартга қадар	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Маҳалла» фонди, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, ЮНЕСКО

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	тегишли материаллар нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайл алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш.			
13.	Кўриш аъзолари заиф шахсларга овоз эшиттириш имконини яратиш мақсадида турли хилдаги дастурий таъминотларга давлат тилида махсус дастурлар, шу жумладан компьютер операцион тизимлари яратиш, уларни ушбу шахслар ўқийётган ва ишлаётган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда кейинчалик эркин тарқатиш, ўрнатиш масаласини ишлаб чиқиш, шунингдек, мазкур дастурларни яратиш учун салоҳиятли ҳомийлар топиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2018 йил 1 февралга қадар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази
14.	Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналарини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, улар маҳсулотлари ҳамда хизматларига давлат харидлари бўйича мажбурий буюртма квоталари белгиланиши назарда тутувчи чора-тадбирларини кўриш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
15.	Ногиронлиги бўлган шахслар дам олиши ва реабилитацияси, шунингдек, улар бандлигини ошириш учун махсус техника воситалари билан жиҳозланган вақтларини мазмунли ўтказишга ихтисослашган масканлар ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга арзон товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқиш секторини кенгайтириш ва ривожлантиришда нодавлат секторни, шу жумладан, давлат-хусусий ва ижтимоий шериклик асосида рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Савдо-саноат палатаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
16.	Қонун ҳужжатларига 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, яқка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун — бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 1 январга қадар	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги
17.	БМТ агентликлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этиш.	Лойиҳа ҳужжати	2018 йил 1 февралга қадар	Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
				ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТ агентликлари
18.	Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, Европа Иттифоқининг «Демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасида Европа усули» техник кўмаклашиш мавзули дастури билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали маблағларни жалб этиш бўйича ишларни халқаро, хорижий молия институтлари ва бошқа донорлар билан мунтазам асосда олиб бориш.	Ташкилий тадбирлар	Доимий равишда	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ТИВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
II. Ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация самарадорлигини ошириш				
19.	<p>Туғма ногиронликнинг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш, шу жумладан куйидагиларни назарда тутувчи Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>а) ҳомиладор аёллар ва болаларни скрининг текширувлари орқали янада кўпроқ қамраб олиш ҳамда ушбу фаолият устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан: ирсий касалликларни эрта аниқлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш;</p> <p>хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларни ҳомиладорликнинг 16-ҳафталигидан бошлаб, перинатал ультратовуш текширувидан ўтказиш;</p> <p>ҳомиладор аёлларнинг биокимёвий маркерларга текшириш орқали неврал найча ва хромосома синдроми нуқсонларини аниқлаш;</p> <p>ирсий касалликларни аниқлаш мақсадида янги туғилган чақалоқларни комплекс, шу жумладан, перинатал скрининг текшируви параметрларини кенгайтириш ва зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш йўли билан текшириш;</p> <p>ногиронлиги бўлган аёлларга репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;</p> <p>б) ногиронликнинг муайян турларини тўлиқ енгиб ўтиш имконини берувчи замонавий тиббиёт, таълим ва ижтимоий технологиялардан, шу жумладан ривожланишдан ортда қолиш, эшитиш ва кўриш қобилиятининг бузилиши, ижтимоий-психологик бузилишларни эрта аниқлаш тизимидан фойдаланишни кенгайтириш;</p> <p>в) эрта ёшдаги болаларни келгусида уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан мажбурий скрининг текширувларидан ўтказиш, шунингдек ҳар хил турдаги кассаликларни сурункалашиши ва ногиронлашишининг олдини олиш тартибини жорий этиш, шу жумладан:</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, БМТТД, ЮНИСЕФ, ЮНФПА

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>Орол бўйи минтақасида яшовчи 5 ёшгача бўлган болаларнинг витамин-минерал комплекслардан фойдаланган ҳолда озикланишини яхшилаш;</p> <p>мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида болаларни ҳар йили бепул чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш (умумий қон таҳлили, флюорография текшируви, педиатр, стоматолог, невропатолог, эндокринолог, офтальмолог кўриклари ва бошқ.);</p> <p>касалликлари аниқланган болаларни соғломлаштириш ва реабилитация қилиш;</p> <p>г) чақалоқларда тугма нуқсонлар, шунингдек, руҳий касалликларнинг кўпайиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашга қаратилган ихтисослаштирилган ўрганишларни туманлар кесимида тизимли ўтказиш амалиётини жорий этиш.</p>			
20.	<p>Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ногиронликни белгилаш давлат тизими ҳамда ногиронлик бўйича пенсия ва нафақалар тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш:</p> <p>ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига кўмаклашишни таъминлаш ҳамда уларга пенсия ва нафақалар тўлашнинг халқаро стандартларига ўтиш;</p> <p>айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, оғир руҳий касалликка чалинганларни парвариш қилувчи шахсларнинг пенсияга чиқиш ва нафақа олиш, шунингдек, алоҳида тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларни имтиёзли пенсияга чиқиш имконини кенгайтириш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, ЮНИСЕФ, БМТТД
21.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг индивидуал дастурини амалга ошириш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш:</p> <p>тегишли органларнинг аниқ ваколатлари, чора-тадбирлар ижрочилари, молиялаштириш механизмлари, реабилитация қилишнинг асосий йўналишларини аниқ кўрсатган ҳолда реабилитация қилишнинг индивидуал дастури ишлаб чиқиш тартибини тасдиқлаш;</p> <p>бошқа соҳа мутахассисларини мажбурий таклиф этишнинг аниқ асосларини назарда тутган ҳолда кўрикдан ўтиш иштирокчилари доирасини кенгайтириш;</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш мезонларини ишлаб чиқиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 апрелга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, ЮНИСЕФ, БМТТД

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
22.	<p>Тиббий-меҳнат экспертиза, тиббий-ижтимоий реабилитация, ижтимоий хизматлар, протезлаш ва протез ишлаб чиқариш масалалари бўйича чуқур илмий-амалий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш.</p> <p>Ўтказилган ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда шу жумладан соғлом турмуш тарзини тартиб қилиш ҳамда қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олишга йўналтирилган кенг тушунтириш ишларини ўтказиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси Ташкилий чора-тадбирлар	2018 йил 1 мартга қадар Доймий асосда	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Инновация вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ЮНФПА
23.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-ижтимоий хизмат мутахассисларини тайёрлаш учун янги ўқув дастурларини, шу жумладан ижтимоий ишлар, эрготерапия, жисмоний терапия дастурларини ва ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 февралга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги
24.	<p>Сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, шу жумладан:</p> <p>замонавий технологияларни қўллаган ҳолда янги ишлаб чиқаришни яратиш учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва чет эл инвесторларини жалб қилиш;</p> <p>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналар негизда ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш;</p> <p>ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва амалдаги ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш;</p> <p>янги корхоналарни жойлаштириш учун бўш турган биноларни ажратиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 апрелга қадар	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ТИВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари рўйхатини кенгайтириш, уларни ушбу воситалар билан таъминлаш жараёнини махсус воситалар ажратиш учун тиббий хулоса тузишда ногиронларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлашни назарда тутган ҳолда соддалаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
26.	Хорижий мутахассислар томонидан Ўзбекистон фуқароларига бегараз (хайрия) асосда тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш тартиби, шу жумладан, фуқароларни даволаш ва жарроҳлик амалиёти ўтказиш, шунингдек, ўтказиладиган тадбирлар ҳақида хабар берилишини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ТИВ, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
27.	Мактабгача ва халқ таълими тизимидаги тиббий-психологик-педагогик ҳамда психологик-тиббий-педагогик комиссиялар фаолиятини улар ишининг сифати, ҳолисалиги, қулайлиги ва самарадорлигини ошириш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 апрелга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Республика

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	мақсадида, шу жумладан ногиронлиги бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялашни, шунингдек, коррекция-педагогик ҳамда даволаш-соғломлаштириш фаолиятини яхшилаш орқали такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.			болалар ижтимоий мослашув маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТТД, ЮНИСЕФ
28.	Ногиронлиги бўлган шахсларга оид маълумотлар, тайинланган пул тўловларининг тури ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар, шунингдек, уларда мавжуд муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш ва бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи комплекс маълумотларни ўзида жамлайдиган ногиронлиги бўлган шахслар ягона электрон реестрини яратиш.	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси Электрон автоматлаштирилган реестр	2018 йил 1 мартга қадар 2018 йил 1 июнга қадар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
29.	Ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича, шу жумладан қуйидагилар устидан доимий мониторинг ўтказиш имкониятини назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш: дори воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари берилишининг асослилиги, шунингдек, бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатилиши; тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасаларда дори воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг мавжудлиги ва ўз вақтида таъминланиши.	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
30.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, ногиронлиги бўлган шахсларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда уларни оила, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш бўйича, шу жумладан хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, махсус ижтимоий лавҳалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тушунтириш ишлари сифатини ва жамоат онгига таъсири самарадорлигини ошириш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 январга қадар	МТРК, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎЗА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
III. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш, уларнинг махсус касбий тайёргарлиги ва қайта тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ишга жойлаштирилишини таъминлаш				
31.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи давлат дастурини ишлаб чиқиш: инклюзив таълимнинг самарадорлигини кенгайтириш ва тушунтириш;	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>ногиронлиги бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш механизмлари; ногиронлиги бўлган ва психофизик бузилишларга эга болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига 2 ёшдан бошлаб қабул қилиш; ихтисослаштирилган дастурни ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда таълим муассасаларига бориш имконияти йўқ ногиронлиги бўлган шахслар учун масофадан ўқитишни таъминлаш.</p>			<p>ривожлантириш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари</p>
32.	<p>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш, шу жумладан параолимпия спорт турларини ривожлантириш ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида футболни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи дастурни ишлаб чиқиш, Жисмоний тарбия ва спорт институтида параолимпия спорт турлари бўйича тренер ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни таъминлайдиган «Параолимпия спорт турлари» кафедрасини ташкил этиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 февралга қадар</p>	<p>Давлат спорт қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Миллий параолимпия уюшмаси</p>
33.	<p>Мухтож бўлган шахслар учун жойларга бориб, шу жумладан, имтиёзли асосда, биринчи навбатда, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш учун (биометрик паспорт бериш, нотариал хизматлар кўрсатиш ва ҳ. к.) давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>ИИВ, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари</p>
34.	<p>Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киришти.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 апрелга қадар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат тест маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги</p>
35.	<p>Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш, шу жумладан унда қуйидагиларни: меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ногиронлиги бўлган шахслар реестрини шакллантириш; ногиронлиги бўлган шахсларни уларни келгусида ишга жойлаштириш учун малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш; касаначиликни кенгайтириш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари инфратузилмаси таркибида янги иш жойларини ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш механизмларини жорий этиш; ногиронлиги бўлган шахслар, биринчи навбатда ногиронлиги бўлган аёлларни талаб юқори бўлган касбларга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларни жорий этиш;</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2018 йил 1 мартга қадар</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)</p>

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари вакиллари ижтимоий-иқтисодий фаолиятга кенг жалб қилиш.			
36.	Ногиронлиги бўлган болаларнинг манфаатлари ва имкониятларини ҳамда тегишли касбларнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 январга қадар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
37.	Иш берувчилар учун шароитларни яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг фикрини ҳисобга олиш, ушбу фаолият устидан таъсирчан назорат механизмини ўрнатишни назарда тутувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойини аттестациядан ўтказиш тизимини қайта кўриб чиқиш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши
38.	Ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун профессионал психологик ёрдам хоналарини яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 июлга қадар	Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази
IV. Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва маъқул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш				
39.	Ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай жисмоний муҳитни яратиш тўғрисида қонунчилик талабларини амалга ошириш, жамоат транспорти, ижтимоий, йўл-транспорт ва бошқа инфратузилмани ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланишини таъминловчи техник воситалар билан боқичма-боқич жиҳозлаш бўйича чоралар кўришга қаратилган ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай муҳитни таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ергеодезадастр давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
40.	Жойларда қулайликни боқичма-боқич таъминлашга йўналтирилган ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни мослаштириш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўриш, шу жумладан: уларни ижтимоий инфратузилма объектларига келишлари; жамоат транспортининг барча турларидан фойдаланиш; ногиронлиги бўлган шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида, жамоат транспортини махсус	Ташкилий комплекс чора-тадбирлар	Доимий асосда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ИИВ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК,

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	воситалар билан, шу жумладан, пандуслар, алоҳида жойлар, бекатлар ва йўналишларни овоз ёрдамида эълон қилиш, электрон ахборот таблолари билан жиҳозлаш.			Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
41.	Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда минтақавий марказларини замонавий диагностика, даволаш ва спорт ускуналари билан жиҳозлаш.	Комплекс чора-тадбирлар мажмуи	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
42.	Куйидагилар: автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари-ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш; ногиронлиги бўлган шахсларнинг фойдаланиши учун мослаштирилган миллий ишлаб чиқарилган енгил автомашиналарни махсус ускуналар билан қайта жиҳозлашни таъминлаш бўйича таклифларни тайёрлаш ва киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 февралга қадар	ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти
43.	Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриши учун мўлжалланган автотранспорт тўхтаб туриш жойларида энг оз миқдори қатъий белгиланган жойлар сонини ажратиш ва у ерларда бошқа автотранспорт воситалари тўхтаб туришини тақиқлаш. Ногиронлиги бўлган шахслар учун бориш қийин бўлган инфратузилмага яқин жойда тўхташ имконини берувчи янги йўл белгисини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
44.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириш ва уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишларини таъминлашга қўмаклашадиган эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатув ва видеофильмларни субтитр ва сурда таржима билан бирга олиб борилишини ташкил этиш чораларини кўриш, шунингдек, махсус шрифтли нашрларни кенгайтириш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 февралга қадар	МТРК, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎЗА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
45.	Давлат-хусусий шериклик тамойилларини қўллаган ҳолда ногиронлиги бўлган шахслар учун санаторийлар фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
46.	Тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва жиҳозлаш, уларнинг ногиронлиги бўлган шахсларни ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 январга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирларнинг номланиши	Амалга ошириш шакллари	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
47.	«Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларида ўқув-меҳнат устахоналари тизimini қуйидагилар орқали ривожлантириш: уларни зарур ускуналар билан жиҳозлаш; меҳнат кўникмаларини ўқитиш ва эгаллаш бўйича дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; ҳомийликка олинганларнинг тўлиқ ижтимоий мослашувини таъминлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
48.	Объектларни, шу жумладан, йўл-транспорт инфратузилмасини лойиҳалаш ва қуришда архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар таъминлаш борасидаги талабларга риоя қилмаслик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича чоралар кўриш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 февралга қадар	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ергеодескадастр давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
49.	Давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларини ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун, уларга жойлаштирилган маълумотлар билан танишиш ва хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча имкониятлар билан таъминлаш.	Чора-тадбирлар режаси	2018 йил 1 январга қадар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
50.	Эшитиш ва нутқ бузилишлари бўлган шахсларнинг тезкор хизматларга замонавий алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда мурожаат қилиш имкониятини жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2018 йил 1 мартга қадар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ИИВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари
51.	1941 — 1945 йиллар уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар ҳамда Чернобил АЭС даги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш сабабли ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқаларга гувоҳномалар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2018 йил 1 январга қадар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, МХХ, Давлат божхона қўмитаси

Изоҳ: Тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметиға қараб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши ёки ягона ҳужжатға бирлаштирилиши мумкин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1196 Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПФ–5215-сон Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПФ–5215-сон Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти 2017 йилнинг 10 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонига 1-иловага киритилган махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш ишларини амалга ошираётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун илгари берилган лицензиялар уларнинг муддати тугагунгача амал қилади.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 4 декабрда эълон қилинган.

ри ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
959-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 декабрдаги 959-сон қарорига
ИЛОВА

**Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш
учун лицензия бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш тартибини белгилайди.

2. Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензиялар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 ноябрдаги ПФ-5215-сон Фармонига 1-иловада рўйхати тасдиқланган махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш лицензияланади.

4. Лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш назарда тутилган тегишли ҳужжатлари ёки қарорлари асосида махсус турдаги товарларни етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларни амалга ошириш учун зарур бўлган, аммо бир йилдан ошмайдиган муддатга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда берилади.

Лицензия бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, лицензияни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш масалалари шуъбаси (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) лицензияларни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бериш, лицензиялар реестрини юритишни амалга оширади.

6. Лицензияни ва лицензия бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

2-боб. Рухсат бериш талаблари ва шартлари

7. Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилишда қўйидагилар рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига албатта риоя этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш назарда тутилган тегишли ҳужжати ёки қарорининг мавжуд бўлиши.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

8. Ариза берувчи лицензия олиш учун ваколатли органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисида қўйидагилар кўрсатилган ариза: ариза берувчи — юридик шахснинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; ариза берувчи — jisмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, ариза берувчи амалга оширишни мўлжаллаётган фаолият тури;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш назарда тутилган тегишли ҳужжати ёки қарорининг нусхаси;

тузилган ҳамда харидор ва сотувчи имзолаган шартноманинг нусхаси.

9. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада ариза берувчининг электрон манзили ҳам кўрсатилиши мумкин. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада ариза берувчи электрон манзилининг кўрсатилиши унинг аризаси бўйича қарор қабул қилингани ҳақидаги билдириш хатини электрон ахборот тизими орқали олишга рози эканини билдиради.

10. Ваколатли орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли органлардаги зарур ҳужжатлар ва ахборотни, жумладан, электрон ахборот алмашинуви тизими орқали белгиланган тартибда мустақил олади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборот бундан мустасно.

11. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ариза берувчи лицензия олиш учун зарур ҳужжатларни уларнинг олингани тўғрисидаги билдириш хатини олиш орқали ваколатли органга бевосита почта алоқа воситалари ёки электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Лицензия олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва ушбу рўйхат ваколатли орган ҳужжатларни қабул қилган сана белгиси қўйилган ҳолда зудлик билан ариза берувчига тақдим этилади (юборилади).

Ваколатли орган ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида тегишли хулоса тайёрлаш учун ишчи органга юборади.

14. Ариза берувчи лицензия олиш учун тақдим этган зарур ҳужжатлар ваколатли орган уларнинг аксини тасдиқламагунича барча ҳолатларда ишончли ҳисобланади.

15. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик ариза берувчининг зиммасида бўлади.

**4-боб. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб
чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш
ҳақида қарор қабул қилиш**

16. Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб, беш иш кунидан ошмайдиган муддатда аризани кўриб чиқади, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш ҳақида тегишли хулоса тайёрлайди.

17. Ваколатли орган ишчи орган хулосасини кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, муҳофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини ва енгил саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари, шунингдек зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишган ҳолда ишчи органдан хулоса олинган кундан бошлаб, тўрт иш кунидан ошмайдиган муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

18. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

19. Қўйидагилар лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади:

ушбу Низомнинг 8-бандида қайд этилган зарур ҳужжатлар бўлиши;

тақдим этилган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш назарда тутилган тегишли ҳужжати ёки қарорида кўрсатилган маълумотларга мос келиши.

20. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади ва ваколатли орган мудири томонидан имзоланади.

Лицензия бериш учун йиғим ундирилмайди.

21. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмасдан, ариза берувчига лицензия бериши (юбориши) ёки уни лицензия бериш рад этилгани ҳақида жумладан, электрон ахборот тизими орқали ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Агар ишчи орган аризани кўриб чиқиш, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш муддати давомида ариза берувчига лицензия бермаса ёхуд уни лицензия бериш рад этилгани ҳақида хабардор қилмаса, ариза берувчи ушбу Низомда белгиланган муддатлар тугагандан сўнг ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида назарда тутилган махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш ҳуқуқига эга.

Ишчи орган ариза берувчининг ёзма билдириш хати олинган санадан бошлаб беш иш кунни давомида унга лицензия бериши лозим. Лицензия олингунга қадар тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилинган сана белгиси қўйилган рўйхати ва ариза берувчи томонидан ваколатли органга юборилган ёзма билдириш хати лицензияга тенглаштирилади ва махсус турдаги товарларни экспорт ҳамда импорт қилиш учун асос ҳисобланади. Бунда ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қайд этилган махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилгани учун жавобгарликка тортилмайди.

22. Қуйидагилар лицензия беришни рад этиш учун асос ҳисобланади: ариза берувчи ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаса;

ариза берувчи рухсат бериш талаблари ва шартларига мос келмаса;

ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар бўлса.

23. Ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилмаган бошқа сабаблар, шу жумладан мувофиксизлик сабаблари туфайли лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

24. Лицензия бериш рад этилгани ҳақидаги билдириш хати ариза берувчига ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи қайд этилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда топширилади (юборилади).

Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга бўладиган муддат лицензия бериш рад этилгани ҳақида ёзма ёки электрон билдириш хати олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

25. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза бе-

рувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилганда, ваколатли орган рад этиш сабаблари бартараф этилгани ҳақидаги ариза ва улар бартараф этилганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб, беш иш кунидан ошмайдиган муддатда ҳужжатларни қайта кўриб чиқади, лицензия беради ёки лицензия беришни рад этади.

Аризани қайта кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

26. Аризани қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдириш хатида аввал қайд этилмаган сабабларни келтиришга йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари бундан мустасно.

27. Ариза берувчи томонидан лицензия беришни рад этиш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг тақдим этилган ариза қайта тақдим этилган деб ҳисобланади ва ваколатли орган ушбу аризани умумий асосларда кўриб чиқади.

28. Ариза берувчи лицензия бериш рад этилгани, шунингдек, ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликатини бериш

29. Шартноманинг асосий шартлари ўзгартирилганда (харидор ва (ёки) сотувчи, нархлар, етказиб бериш муддатлари, тўлов турлари ўзгартирилганда, янги турдаги товар қўшилганда), берилган лицензиялар тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензиат аризасига мувофиқ қайта расмийлаштирилади.

30. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг етти иш куни давомида ваколатли органга қайд этилган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш ҳақида ариза тақдим этиши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахсининг унга давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатиш жойи ўзгарган тақдирда, ариза берувчи қайта расмийлаштиришдан ўтгандан сўнг етти иш куни давомида ваколатли органга қайд этилган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этиши шарт.

31. Янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган санада бир хил махсус турдаги товарларни экспорт ёки импорт қилиш лицензиясига эга бўлган лицензиатлар — юридик шахслар қўшилган тақдирда, лицензияни ушбу Низомнинг 30-банди биринчи хатбошида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

32. Лицензиат ҳужжатларни уларнинг олингани тўғрисидаги билдириш хатини олиш орқали ваколатли органга бевосита почта алоқаси воситалари ёки электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензиатнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

33. Лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза тақдим этган лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўри) лицензия қайта расмийлаштирилгунича, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тақдим этилган ҳамда ваколатли органнинг аризани қабул қилган санаси қайд этилган ариза асосида махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилади.

Ишчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензия лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ҳужжатлар илова қилинган ариза олинган санадан бошлаб уч иш кунни давомида қайта расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

34. Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензиат аризасига асосан узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ваколатли органга ушбу ҳужжат амал қилиш муддати тугагунича тақдим этилиши зарур.

Лицензиянинг амал қилиш муддати лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда узайтирилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш учун йиғим ундирилмайди.

35. Лицензия йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда, лицензиат аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Ишчи орган лицензия яроқсиз ҳолга келган тақдирда, лицензиянинг дубликати ёки асл нусхасини бериш тўғрисидаги ариза олинган санадан бошлаб уч иш кундан ошмайдиган муддатда унинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

Лицензия дубликатини бериш учун йиғим ундирилмайди.

6-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

36. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган ва бекор қилинган лицензия тўғрисидаги маълумотлар ишчи орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига зарур чоралар кўриш учун ваколатли орган тегишли қарор қабул қилган санадан бошлаб бир иш кундан кечиктирмасдан юборилади.

37. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни

бекор қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан суд тартибда муружаат қилиш мумкин.

7-боб. Лицензиялар реестри

38. Ишчи орган берилган лицензиялар реестрини юритади.

Берилган лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

ариза берувчи — юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами;

ариза берувчи — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, почта манзили, телефон рақами;

лицензияни бериш асослари ва санаси, унинг тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиши муддати;

лицензия бериладиган экспорт, импорт шартномасининг тафсилотлари — шартнома рақами ва санаси, махсус турдаги экспорт, импорт товарлар номи, шартнома қиймати, экспорт қилинадиган мамлакат;

лицензияни қайта расмийлаштиришнинг асослари ва санаси, унинг амал қилиш муддати узайтирилиши ва унинг амал қилишининг қайта тикланиши;

лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

лицензия дубликатини бериш асослари ва санаси.

8-боб. Товарларни олиб ўтиш тартиби

39. Махсус турдаги товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган лицензия олингандан сўнг олиб ўтилади.

Ариза берувчида лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилингунича тузилган шартноманинг борлиги лицензия бериш ва товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун асос бўла олмайди.

Олинган лицензиянинг нусхаси божхона юк декларациясига илова қилинади ва махсус турдаги лицензияланган товарларни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш
учун лицензия бериш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	Ариза берувчи	<p>1. Лицензия олиш учун ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ зарур ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳужжатларни уларнинг олингани тўғрисидаги билдириш хатини олиш орқали бевосита почта алоқа воситалари ёки электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p>	Лицензия даъвоғари истагига кўра
II босқич	Ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД)	Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилади ва ишчи органга юборади.	Ҳужжатлар қабул қилинган кунда
	Ишчи орган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш масалалари шўъбаси)	<p>1. Аризани кўриб чиқади, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида тегишли хулосалар тайёрлайди.</p> <p>2. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчилар томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда хулосалар тайёрлайди.</p>	<p>1. Ариза олинган санадан бошлаб 5 иш кунидан ошмайдиган муддатда.</p> <p>2. Ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан сўнг 3 иш кунидан ошмайдиган муддатда</p>
III босқич	Ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД)	<p>1. Ишчи орган хулосасини кўриб чиқади.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, экспорт салоҳиятини, машинасозлик, автомобиль, электротехника, мудофаа, пахтани қайта ишлаш саноатини ва энгил саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари, шунингдек зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини билан келишган ҳолда, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.</p>	Хулоса тақдим этилган санадан бошлаб 4 иш кунидан ошмайдиган муддатда (2 иш кунидан ошмайдиган муддатда қайта кўриб чиқилганда)

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
IV босқич	Ишчи орган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш масалалари шўъбаси)	1. Ариза берувчини қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабардор қилади. 2. Лицензия бериш рад этилгани ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, лицензия бериш рад этилгани тўғрисидаги билдириш хати ариза берувчига ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи қайд этилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда топширилади (юборилади). 3. Реестрга тегишли қайдларни киритади.	Тегшли қарор қабул қилингандан сўнг 1 иш куни давомида
V босқич	Ариза берувчи	Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳуқуқига эга.	Лицензия бериш рад этилгани ҳақида билдириш хатида кўрсатилган муддатда
VI босқич	Ваколатли орган мудири (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД мудири)	Ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган лицензияни имзолайди.	Тегшли қарор қабул қилингандан сўнг 1 иш куни давомида
	Ишчи орган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика худудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш масалалари шўъбаси)	Имзоланган лицензияни беради.	

Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун лицензия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш учун
ЛИЦЕНЗИЯ

1. Ариза берувчи ташкилот, унинг манзили: _____		КТУТ коди	7. ____ рақамли лицензия: (лицензия рақами)	
2. 20 « ____ » _____ даги рўйхат рақами (ариза берувчи рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома рақами ва санаси)			8. Ариза: _____ (лицензия бериш ҳақидаги ариза рақами ва санаси)	
3. Тайёрловчи <input type="checkbox"/> Товар истеъмолчиси <input type="checkbox"/> _____ (ташкилот номи)		9. Харидор <input type="checkbox"/> Сотувчи <input type="checkbox"/> _____ (ташкилот номи)		
4. Юбориладиган мамлакат: _____		Код: _____	11. Лицензиянинг амал қилиш муддати: _____	
5. Келиб чиқиш мамлакати: _____		Код: _____		
6. Божхона постининг номи: _____		12. Келишув хусусияти: _____		Код: _____
		13. Тўлов валютаси: _____		Код: _____
14. Товар номи ва унинг тўлиқ хусусиятлари: _____		15. ТИФ ТНК бўйича товар коди	16. Ўлчов бирлиги	17. Миқдори
				18. Нархи, тўлов валютаси
19. Лицензия сўраш учун асос: _____ (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг номи) _____ (Тузилган шартнома рақами ва санаси)		21. Келишилган: _____ (лавозими) _____ (Ф.И.О) имзо		
20. Ариза берувчи ташкилот раҳбарининг Ф.И.О. _____ (лавозими) _____ (Ф.И.О) имзо		М.Ў. _____ Сана: _____		
22. Лицензия берувчи орган: Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД		Департамент мудири _____ (Ф.И.О) имзо		
М.Ў. _____ Сана: _____		М.Ў. _____ Сана: _____		
23. Лицензиянинг алоҳида шартлари:				

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**1197** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–442-сон Қонуни)*

«Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–442-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 декабрь,
960-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 1 декабрдаги 960-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги 278-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 11-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги низомнинг 2-бўлим 5-бандидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар текширув» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Ўзбе-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 4 декабрда эълон қилинган.

кистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисида низомнинг 4-банди ўттиз тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«расмий ҳужжатларга апостиль қўяди, судлар, адлия органлари ва муас-
сасалари, прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни
амалга оширувчи органлар, таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқади-
ган ҳужжатлардан ташқари».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисида низомда:

8-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар
текширув, суриштирув» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг учинчи хатбошисидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар
текширув ва суриштирув» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида-
ги низомнинг 14-бандидаги «қайд этиш» сўзларидан кейин «терговга қадар
текширувни амалга оширувчи органлар,» сўзлари қўшилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори
(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқлан-
ган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби
тўғрисида низомнинг 24-банди бешинчи хатбошисидаги «суриштирув» сўзи
«терговга қадар текширув ва суриштирув» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган
Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ
қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Солиқ, божхона органлари ҳамда»
сўзлари «Терговга қадар текширув» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Суриштирув, дастлабки тергов ёки
суд давомида олиб қўйилган ва» сўзлари «Терговга қадар текширув, суриш-
тирув, дастлабки тергов ёки суд давомида олиб қўйилган ва терговга қадар
текширув,» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги 265-сон қарори
(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 9-10-сон, 65-модда) билан тасдиқ-
ланган Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш,
сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув
комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 18-банди учинчи хатбошисидаги «ҳисоб-
га киритилган» сўзларидан кейин «терговга қадар текширув» сўзлари қўшил-
син.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 13-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 41-модда)
билан тасдиқланган Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш,
шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тарти-
би ҳақида низомнинг 14-банди учинчи хатбошисидаги «текширув (суриш-

тирув) ҳаракатини олиб бораётган мансабдор шахсларга» сўзлари «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида намунавий низомнинг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Экспертиза муассасасида экспертизалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори асосида, фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари (шу жумладан терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга доир суд ажрими бўйича ўтказилади.»

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 307-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 11-сон, 90-модда) 3-банди учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига;».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 70-модда) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомнинг 12-банди учинчи хатбошисидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар текширув» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 199-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 74-модда) билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди бешинчи хатбошисидаги «аниқланган тақдирда» сўзларидан кейин «терговга қадар текширув ҳамда» сўзлари қўшилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 июлдаги 452-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 617-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати етказилган ходимларга ёки ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисида низомнинг 15-бандидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар текширув, суриштирув» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 августдаги 566-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 31-сон, 773-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомнинг 11-банди «б» кичик бандининг еттинчи хатбошисидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар текширув» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил

28 августдаги 677-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 929-модда):

а) 1-иловада:

8-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «суриштирувлар ўтказиш» сўзлари «терговга қадар текширувлар ўтказиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

«г» кичик бандининг ўн биринчи хатбошидаги «суриштириш» сўзи «суриштирув» сўзи билан алмаштирилсин;

«ж» кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «суриштирувлар ўтказиш» сўзлари «терговга қадар текширувлар ўтказиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «терговдан олдинги текширишларни ташкил этади ва олиб боради, жиноий ишлар қўзғайди, улар бўйича суриштирув ишларини амалга оширади» сўзлари «терговга қадар текширувларни ташкил этади ва олиб боради, жиноий ишлар қўзғайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг «19» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида аниқланган молия-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги бузилишлар содир этилганлиги фактлари бўйича терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноий ишлар қўзғаш, кейинчалик ишларни терговга тегишлилигига қараб қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бериш.»;

б) 2-илованинг 31-бандидаги «бош суриштирувчи», «катта суриштирувчи», «бош суриштирувчилар», «катта суриштирувчилар» ва «суриштирувчилар» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 951-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 10-бандидаги «суриштирув» сўзи «терговга қадар текширув, суриштирув» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1198 «Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилотга хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2623-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон «Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2014 йил 3 октябрдаги 25-Б-сон «Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилотга хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2623, 2014 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 44-сон, 541-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазир

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 ноябрь,
36-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 5 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1200 Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сон қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 438-модда) билан тасдиқланган Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 ноябрь,
32/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
25 ноябрдаги 32/1-сон қарорига
ИЛОВА

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 8-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) 59-бандида

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 5 декабрда эълон қилинган.

назарда тутилган инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка инкассо топшириқномаларини электрон шаклда тақдим этиши ёки уларни чақириб олиши мумкин.».

2. 12-банд «мижозларнинг тизимга кириш ва чиқиш вақтлари» деган сўзлардан кейин «, IP манзиллари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 22-банддаги «(рўйхат рақами 2528, 2013 йил 21 ноябрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1202 «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/2-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2322, 2012 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 5-сон, 56-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 5 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 ноябрь,
32/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
25 ноябрдаги 32/14-сон қарорига
ИЛОВА

«Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) молиявий ҳисоботларни ҳамда уларнинг электрон маълумотларини тақдим этиш тартибини белгилайди.».

б) 2-иловада «Кўрсаткичлар» устунининг 160-рақамли код остидаги «фоизсиз» деган сўз «фоизли» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1203 «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2550-2

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 25 декабрдаги 1323-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 2550, 2014 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 26-модда);

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 29 февралдаги 29-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва инструктор-методистларига малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 2550-1, 2016 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 11-сон, 107-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 ноябрь,
16-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Келишилган:

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 13 ноябрь

*Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2017 йил 13 ноябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

А. ХАИТОВ

2017 йил 13 ноябрь

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2017 йил 13 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1204 Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2953

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 ноябрь
17-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт давлат
қўмитасининг 2017 йил 13 ноябрдаги
17-мҳ-сон қарорига
ИЛОВА

**Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва
йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Халқаро тоифали тренер» малака тоифасини беришга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тренер-ўқитувчи — спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида муайян спорт тури бўйича таълим дастури асосида бевосита таълим берувчи ва спортчиларни тайёрловчи мутахассис;

йўриқчи-услугчи — спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида ташкилий, тарбиявий, соғломлаштириш ва методик-услугий ишларни ташкил этувчи ва амалга оширувчи мутахассис.

2-боб. Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услугчиларга бериладиган малака тоифалари

3. Тренер-ўқитувчиларга қуйидаги малака тоифалари берилади:

иккинчи тоифали тренер;

биринчи тоифали тренер;

олий тоифали тренер.

4. Йўриқчи-услугчиларга қуйидаги малака тоифалари берилади:

иккинчи тоифали йўриқчи-услугчи;

биринчи тоифали йўриқчи-услугчи;

олий тоифали йўриқчи-услугчи.

5. Иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-услугчи малака тоифалари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан берилади.

6. «Олий тоифали тренер» ва «Олий тоифали йўриқчи-услугчи» малака тоифалари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан берилади.

7. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-услугчи малака тоифалари Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан, «Олий тоифали тренер» ва «Олий тоифали йўриқ-

чи-услугачи» малака тоифалари эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда берилади.

8. Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услугачиларга берилган малака тоифалари уларга табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш учун асос бўлади.

3-боб. Малака тоифаларини бериш бўйича талаблар

9. Малака тоифаларини олишга даъвогарларнинг ҳужжатлари тегишли малака комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

10. Тренер-ўқитувчилар малака тоифаларини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тренер-ўқитувчи томонидан малака тоифасини олиш учун берилган аризаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

меҳнат дафтарчасидан нусха (иш жойидан тасдиқланган ҳолда);

тайёрлаган спортчисининг мусобақаларда эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлари (мусобақа баённомаси, диплом нусхаси);

спортчини тренер-ўқитувчига бириктирилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

иш жойидан тавсифнома;

тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома нусхаси.

11. Йўриқчи-услугачилар малака тоифаларини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

йўриқчи-услугачи томонидан малака тоифасини олиш учун берилган аризаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

меҳнат дафтарчасидан нусха (иш жойидан тасдиқланган ҳолда);

иш жойидан тавсифнома;

йўриқчи-услугачи фаолиятини амалга ошириш учун нашр этилган услубий қўлланма(лар) нусхаси (мавжуд бўлганда).

12. Малака тоифалари мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларида назарда тутилган мезонларга мувофиқ берилади.

13. Иккинчи ва биринчи тоифали малака тоифаларини олиш учун даъвогар бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари ҳузурида ташкил этилган, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузурида ташкил этилган малака комиссиясига мурожаат қилади.

Олий тоифали малака тоифасини олиш учун даъвогар мазкур Низомнинг 10, 11-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари ҳамда спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларига, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига тақдим этади. Улар ўз навбатида ушбу ҳужжатларни тасдиқлаб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузурида ташкил этилган малака комиссиясига, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашига тақдим этади.

14. Мазкур Низомнинг 10, 11-бандларида назарда тутилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун даъвогар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спорт-таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари жавобгар ҳисобланади.

15. Малака тоифалари 5 йил муддатга берилади. Мазкур муддат ўтгандан сўнг, тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчилар ўз малака тоифаларини белгиланган тартибда қайтадан тасдиқлатиши шарт.

Малака тоифалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ижодий таътил олинганда ижодий таътил муддатига, шунингдек ёшга доир пенсияга чиқиш муддатига бир йил қолганда бир йил муддатга узайтирилади.

Малака тоифалари қайтадан тасдиқлангунга қадар, тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услубчиларга иш ҳақи мутахассис лавозими бўйича тўланади.

16. Малака тоифаларининг амал қилиш муддати тугашидан икки ой олдин мазкур Низомнинг 10, 11-бандида назарда тутилган ҳужжатлар белгиланган тартибда тегишли малака комиссияларига тақдим этилади.

17. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвонига эга бўлган шахсларга малака тоифалари чекланмаган муддатга берилади.

18. Тренер-ўқитувчиларга малака тоифалари Олимпия, ноолимпия ўйинлари ёки Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича натижа кўрсатган спортчи билан камида икки йил узлуксиз шуғуллангандан сўнг берилади.

19. Спортчиларни кейинги спорт маҳоратини ошириш гуруҳларига берган тренер-ўқитувчилар ушбу спортчиларнинг натижалари бўйича тегишли малака тоифаларини олишга ҳақли. Бунда ушбу тренер-ўқитувчи даъвогарлик қилаётган малака тоифасидан олдинги малака тоифаси мезонларига тўғри келадиган натижаларга эришган спортчиларга эга бўлиши шарт. Бу спортчилар эришган натижалар бўйича тренер-ўқитувчи фақат бир марта малака тоифаси олиши мумкин.

20. Малака тоифаларини беришда тан олинадиган нуфузли спорт мусобақалари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ белгиланади.

4-боб. Малака тоифаларини бериш бўйича малака комиссиялари

21. Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-услугчиларга малака тоифаларини бериш бўйича тегишли ташкилотлар хузурида малака комиссиялари ташкил этилади.

22. Малака комиссияси аъзолари бир йил муддатга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан тасдиқланади.

23. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — республика малака комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошлиқларининг ўринбосари — бўлим бошлиғи ҳудудий малака комиссиясининг раиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спорт федерациялари (уюшмалари), спорт мактабларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари малака комиссиясига аъзо сифатида киритилади.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари — республика малака комиссиясининг, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари — ҳудудий малака комиссиясининг раиси ҳисобланади.

24. Малака комиссияси 7 нафар аъздан иборат бўлади, унинг таркибига тегишлича Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар), спорт турлари бўйича олий спорт маҳорати мактаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари раҳбарлари ёки вакиллари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарлари ёки вакиллари киритилади.

Малака комиссияси унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Малака комиссияси аъзоларига қуйидаги талаблар қўйилади:

олий маълумотга эга бўлиши;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси билан яхши таниш бўлиши.

Малака комиссияси котиби ҳужжатларни қабул қилади, комиссия йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрлайди, расмийлаштиради ва уларни сақлайди.

25. Малака комиссияси раиси ва аъзолари қуйидаги ҳолларда комиссия таркибидан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда;

зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда аниқланган қоида бузишлари бўлганда;

вафот этган тақдирда.

26. Малака комиссияси қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Комиссия қарори йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Малака комиссияси аъзоси бўлган мутахассиснинг ҳужжатлари комиссияда кўрилганда комиссия аъзоси бўлган мутахассиснинг овози ҳисобга олинмайди.

27. Малака комиссиясининг йиғилишлари ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилишлари қуйидаги ҳолларда раис томонидан чақирилади:

янги ўқув йили бошланиши билан боғлиқ бўлган ҳолларда;

тақдим этилган ҳужжатлар йиғилиб қолганда.

28. Малака комиссияси қарори баённома билан расмийлаштирилади ва раис ҳамда йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади. Малака комиссиясининг қарори Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг веб-сайтида эълон қилинади.

Малака тоифасини бериш тўғрисидаги тегишли малака комиссиясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёхуд Тошкент шаҳар кенгаши томонидан буйруқ чиқарилади ҳамда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда малака тоифаси тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилади.

29. Малака комиссияси қароридан норози бўлган шахслар қарор қабул

қилингандан сўнг, бир ой ичида республика малака комиссияси ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

Республика малака комиссиясига шикоят келиб тушган ҳолларда Республика малака комиссияси тегишли ҳудудий малака комиссияларидан ҳужжатлар нусхаларини ўрганиб чиқиш учун сўраб олишга ҳақли.

30. Республика малака комиссиясининг ҳулосаси уч нусхада баённома билан расмийлаштирилади, баённоманинг бир нусхаси аризачига, иккинчи нусхаси ҳудудий комиссиясига юборилади.

5-боб. Малака тоифаси берилган шахсларнинг ҳисобини юритиш

31. Берилган малака тоифалари ҳисоби малака тоифасини бериш тўғрисидаги буйруқларга асосан юритилади.

32. Малака тоифасини бериш бўйича барча ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича эса, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёхуд Тошкент шаҳар кенгашида икки йил мобайнида сақлаиб, тегишли архив муассасаларига топширилади.

33. Тренер-ўқитувчи ва йўриқчи-услугчиларга берилган гувоҳномалар тўғрисидаги маълумот Гувоҳномаларни рўйхатга олиш дафтарига навбатма-навбат қайд этиб борилади. Гувоҳномаларни рўйхатга олиш дафтари саҳифаланган, тикилган ва ташкилот муҳри қўйилган бўлиши лозим.

34. «Халқаро тоифали тренер» малака тоифасини олган тренер-ўқитувчиларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан юритилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкилоти Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2017 йил 13 ноябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

А. ХАИТОВ

2017 йил 13 ноябрь

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

2017 йил 13 ноябрь

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тренер-ўқитувчиларнинг иш натижаларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Тренер-ўқитувчи томонидан тайёрланган спортчиларнинг спорт мусобақаларида эришган натижаси бўйича:				
Спорт мусобақасининг номи	Спортчи сони* (камида)	Спортчи томонидан спорт мусобақасида эгалланган ўрин (эришилган натижаси)**		
		олий тоифа	биринчи тоифа	иккинчи тоифа
Олимпия ўйинлари	1	1 — 10	11 — 20	иштирок этган бўлиши кифоя
Жаҳон чемпионати ва кубоги	1	1 — 6	7 — 10	11 — 20
Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпионати ва (ёки) кубоги	1	1 — 3	4 — 6	7 — 10
Осиё ўйинлари	1	1 — 6	7 — 10	10 — 14
Осиё чемпионати ва кубоги	1	1 — 3	4 — 6	7 — 10
Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ва (ёки) кубоги	1	1-2	3 — 5	6 — 8
Халқаро спорт мусобақалари	2	1	2-3	4 — 6
Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги ёки биринчилиги	2	-	1 — 3	4 — 6
Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги ёки биринчилиги	2	-	1	2-3

Изох: тренер-ўқитувчига тегишли малака тоифасини бериш учун у томонидан спорт мусобақасида қатнашиш учун тайёрланиши лозим бўлган спортчи сони* ва спортчининг спорт мусобақасида эгаллаши лозим бўлган ўрни (эришилган натижаси)**.

«Олий тоифали тренер» малака тоифасини беришда тренер-ўқитувчи томонидан тайёрланган спортчиларнинг Ўзбекистон Республикаси чемпионати

ти, кубоги ёки биринчилиги ҳамда Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси чемпиони, кубоги ёки биринчилигида эгаллаган ўрни кўрсаткич сифатида инобатга олинмайди.

Мазкур жадвалда кўрсатилган спорт мусобақаларининг нуфузи Спорттаълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-ушлбчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-иловасига мувофиқ аниқланади.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-ушлбчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Тренер-ўқитувчиларнинг иш натижаларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Тренер-ўқитувчининг Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш ҳамда спорт захирасини тайёрлашда қўшган ҳиссаси бўйича:		
Терма жамоалар ва спорт захираси	Тайёрланган спортчи сони*	
	биринчи тоифа	иккинчи тоифа
Спортчиларни Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаси номзодлигига тайёрлаш (асосий)	2	1
Спортчиларни Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаси номзодлигига тайёрлаш (захира)	3	2
Спортчиларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт терма жамоалари номзодлигига тайёрлаш (асосий)	3	2
Спортчиларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт терма жамоалари номзодлигига тайёрлаш (захира)	4	3
Спортчиларни олий маҳорат спорт мактабига кириши учун тайёрлаш	3	1
Спортчиларни олимпия захираси коллежига кириши учун тайёрлаш	4	2
Спортчиларни олий спорт маҳорати босқичигача тайёрлаш	4	2
Спортчиларни спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичигача тайёрлаш	2	1
Спортчиларни бошланғич тайёргарлик босқичидан ўқув-машқ босқичига тайёрлаш	—	2

Изоҳ: * тренер-ўқитувчига тегишли малака тоифасини бериш учун у

томонидан Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш ҳамда спорт захирасини яратиш учун тайёрлаши лозим бўлган спортчилар сони. Бунда «Олий тоифали тренер» малака тоифасини беришда мазкур кўрсаткичлар инobatга олинмайди.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Йўриқчи-услугчиларнинг иш натижаларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Ташкилотлар, иш хусусиятлари	Иш стажи (йил)*		
	олий тоифа	биринчи тоифа	иккинчи тоифа
Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги раҳбарлик лавозимидаги ҳамда ташкилий-услугий ишлари:			
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида	5	3	2
Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида	5	3	2
Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида	7	4	3
Республика даражасидаги спорт федерациялари (уюшмалари)да	5	3	2
Худудий спорт федерациялари (уюшмалари)да	7	5	3
Республика даражасидаги жисмоний тарбия-спорт жамиятларида	7	4	3
Худудий жисмоний тарбия-спорт жамиятларида	10	6	4
Бевосита раҳбарлик лавозимидаги ишлари:			
Олий спорт маҳорат мактаби, олий маҳорат спорт мактаби, олимпия захираси коллежи, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида	6	5	4
Болалар-ўсмирлар спорт мактабларида	7	5	3
Илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолияти:			
Илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган ҳолда	7	4	2
Илмий унвон ва илмий даражага эга бўлмаган ҳолда	10	7	4

Изоҳ: иш стажини ҳисоблашда тегишли ишда (лавозимда) тўлиқ ишланган йиллар ҳисобга олинади.

Йўриқчи-услугчининг иш натижаларини баҳолашда унинг иш стажидан қатъи назар, Ихтисослаштирилган мувофиқлаштирувчи услубий Кенгаш томонидан рухсат берилган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида яқка

муаллифликда чоп этган услубий қўлланмалари ҳисобга олинади. Бунда «Олий тоифали йўриқчи-услубчи» малака тоифасини олиш учун камида 2 та, «Биринчи тоифали йўриқчи-услубчи» малака тоифасини олиш учун эса, камида 1 та услубий қўлланма чоп этилган бўлиши лозим.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Малака тоифаларини олишда тан олинadиган нуфузли спорт мусобақалари

Нуфузли спорт мусобақаларига Олимпия ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубоклари, турли халқаро спорт мусобақалари, Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги киради. Бунда:

1. Олимпия ўйинларининг нуфузи Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан белгиланади.

2. Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Жаҳон ёки Осиё чемпионати ва кубогининг нуфузи тегишли халқаро спорт федерацияси (уюшмаси) томонидан белгиланади.

3. Олимпия ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари бўйича Жаҳон чемпионати ва кубогининг нуфузи ушбу спорт мусобақаларида камида 20 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган тақдирда тан олинади, Осиё чемпионати ва кубогининг нуфузи эса, ушбу спорт мусобақаларида камида 10 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган тақдирда тан олинади.

4. Халқаро спорт мусобақаларининг нуфузи спорт турлари бўйича тегишли халқаро спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан рўйхатга олинган халқаро спорт мусобақалари бўйича тан олинади. Бунда ушбу спорт мусобақаларида камида 6 та мамлакатнинг вакиллари ва (ёки) терма жамоалари қатнашган бўлиши керак.

5. Ўзбекистон Республикаси чемпионати, кубоги нуфузи ушбу спорт мусобақаларининг халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилиши билан белгиланади.

Спорт-таълим муассасаларининг тренер-
ўқитувчилари ва йўриқчи-услубчиларига
малака тоифаларини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Ваколатли орган номи

ГУВОҲНОМА _____-сон

МАЛАКА ТОИФАСИ ТЎҒРИСИДА

Фамилияси: _____

Исми: _____

Отасининг исми: _____

Спорт тури: _____

Спорт турлари бўйича тренер, шунингдек йўриқчи-услубчиларга
малака тоифалари бериш малака комиссиясининг қарори ҳамда

_____нинг
_____ йил _____ даги _____-сонли буйруғига асосан
«_____» тоифаси берилди

_____ йил _____ кунига қадар ҳақиқий ҳисобланади.

Ваколатли орган раҳбарининг имзоси ва муҳри

Гувоҳнома берилган сана:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1205 **Биринчи гуруҳга қаттиқ хўжалик совунини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2493-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 13-сон қарори (рўйхат рақами 2493, 2013 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 412-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга қаттиқ хўжалик совунини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 15-бандидаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
31-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

А. КАМАЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1206 **Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2512-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ўРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 26 августдаги 17-сон қарори (рўйхат рақами 2512, 2013 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 40-сон, 535-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
32-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2017 йил 15 ноябрдаги 32-сон қарорига
ИЛОВА

Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банддаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 79-банддаги «гигиена сертификатининг» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

А. КАМАЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1207 **Биринчи гуруҳга сариеғ етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2492-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 7-сон қарори (рўйхат рақами 2492, 2013 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга сариеғ етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 15-бандидаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
33-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

Т. ЖАЛИЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1208 **Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2488-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 6-сон қарори (рўйхат рақами 2488, 2013 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 403-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
34-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2017 йил 15 ноябрдаги 34-сон қарорига
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул
қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 11 ва 12-бандлардаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

Т. ЖАЛИЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1209 **Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2483-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ўРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 9-сон қарори (рўйхат рақами 2483, 2013 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 397-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 21-бандидаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
35-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси раиси*

С. ХАЙДАРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат дон инспекцияси бошлиғи*

З. АБИДОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1210 **Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2486-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 2486, 2013 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 400-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
36-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2017 йил 15 ноябрдаги 36-сон қарорига
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш,
сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 16-банддаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 22-банддаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1211 **Биринчи гуруҳга йодланган ош тузи етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2484-1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 10-сон қарори (рўйхат рақами 2484, 2013 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 398-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга йодланган ош тузи етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 15-бандидаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
37-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1212 **Биринчи гуруҳга шакар етказиб бериш, қабул қи-
лиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида-
ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2485-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 11-сон қарори (рўйхат рақами 2485, 2013 йил 23 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 399-модда) билан тасдиқланган Би-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

ринчи гуруҳга шакар етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 15-бандидаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекикозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
38-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекикозиқовқатхолдинг» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

Т. ЖАЛИЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1213 **Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консервалари**
ни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бе-
риб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2489-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–429-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 25 июндаги 8-сон қарори (рўйхат рақами 2489, 2013 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 30-сон, 404-модда) билан тасдиқланган Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консерваларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
39-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2017 йил 15 ноябрдаги 39-сон қарорига
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консерваларини
етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 16-банддаги «гигиена сертификати» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 17-банддаги «гигиеник сертификат» деган сўзлар «санитария-эпидемиологик хулоса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

А. КАРИМОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг
компанияси бошқаруви раиси*

Т. ЖАЛИЛОВ

2017 йил 14 ноябрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти бошқарув
раиси биринчи ўринбосари*

А. ШУКУРОВ

2017 йил 14 ноябрь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги
бошлиқ ўринбосари*

Ш. ШОВАХОБОВ

2017 йил 14 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1214 Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 ноябрь,
169-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 24 ноябрдаги
169-сон буйруғига
ИЛОВА

Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 32-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. 7 011 400 «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти» кичик бўлими бўйича шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинларини сақлаш харажатлари акс эттирилади.».

2. 110-банддаги «тарғибот» деган сўз «ва маърифат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1-илова 3 011 1 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 012 0 0 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

3 012 1 0 Республика маблағлари;

3 013 0 0 Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси;

3 013 1 0 Республика маблағлари;

3 014 0 0 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси;

3 014 1 0 Республика маблағлари;

3 014 2 0 Худудий маблағлар;

3 014 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

3 014 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;

3 015 0 0 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси;

3 015 1 0 Республика маблағлари».

4. 2-иловада:

1) 3 422 102 қатордаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 3 422 110 қатордаги «Юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни» деган сўзлар «Тадбиркорлик субъектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 3 422 219 қатордаги «Ўсимликлар карантини бош» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 3 450 973 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 450 974 Асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан даромадлар».

5. 3-иловада:

1) 27 409 қатор қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27 415 Охангарон шаҳри»;

2) 27 420 қатор қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27 401 Нурафшон шаҳри»;

3) 27 426 қатор қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27 424 Янгийўл шаҳри».

6. 4-иловада:

1) 7 011 401 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинларини сақлаш харажатлари»;

2) 7 011 402 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шаҳарлар ҳудудидан ташқарида жойлашган маҳаллалар фуқаролар йиғинларини сақлаш харажатлари»;

3) 7 016 105 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 016 106 Вилоят сайлов комиссияси котибини сақлаш харажатлари»;

4) 7 017 202 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 017 209 Ташқи қарз билан боғлиқ бошқа харажатлар»;

5) 7 018 105 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 018 106 Давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларига бериладиган ссудалар»;

6) 7 019 700 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 019 800 Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ажратиладиган маблағлар»;

7) 7 021 400 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 021 500 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини сақлаш харажатлари»;

8) 7 033 700 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 033 900 Бошқа харажатлар»;

7 033 901 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонини сақлаш харажатлари»;

9) 7 041 901 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 041 902 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини сақлаш харажатлари»;

10) 7 042 105, 7 042 110, 7 042 112 ва 7 042 910 қаторлар чиқариб ташлансин;

11) 7 042 127 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 042 130 Давлат ветеринария хизмати;

7 042 131 Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси;

7 042 132 Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари;

7 042 133 Туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимлари;

7 042 134 Республика ҳайвонлар касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ташхис маркази;

7 042 135 Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари;

7 042 136 Туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари;

7 042 137 Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий маркази;

7 042 138 Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси»;

12) 7 043 201 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 043 209 Бошқа харажатлар»;

13) 7 044 303 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 044 901 Бошқа харажатлар»;

14) 7 049 970 қатордаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Фавкуллода вазиятлар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 7 082 920 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 082 930 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази харажатлари»;

16) 7 085 500 қатордаги «тарғибот маркази ва» деган сўзлар «ва маърифат марказини ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 7 085 500 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 085 600 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини сақлаш харажатлари»;

18) 7 094 330 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 094 400 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-

лиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси харажатлари;

7 094 410 Ўқув ва илмий-лаборатория бинолари ва корпусларини, спорт иншоотларини ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

7 094 420 Ўқув-илмий лаборатория базасини замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш, жаҳон таълим ресурсларидан, илғор илмий адабиётлар электрон каталогларидан ва маълумотлар базаларидан фойдаланишни кенгайтиришни молиялаштириш;

7 094 430 Бошқа харажатлар»;

19) 7 096 300 қатор номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларини сақлаш харажатлари»;

20) 7 098 500 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 098 600 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини сақлаш харажатлари;

7 098 601 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги харажатлари;

7 098 602 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари харажатлари»;

21) 7 102 416 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 102 417 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг пенсия ва нафақа харажатлари»;

22) 7 109 120 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 109 130 Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасини сақлаш харажатлари».

7. 5-илова 42 52 430 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 52 440 Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари».

8. 5а-илова 42 52 430 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«42 52 440 Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1215 «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-2

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1815, 2008 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 195-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 ноябрь,
32/18-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
25 ноябрдаги 32/18-сон қарорига
ИЛОВА

«Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

1. Қарорда:

а) номидан ва 1-бандидан «қайта ташкил этиш ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Низомда:

- а) номидан «қайта ташкил этиш ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Қонунига мувофиқ, кредит уюшмаларини тугатиш тартибини белгилайди.»;

в) 1, 3-бандлар ва II бўлим ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 66 ва 67-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тугатилган кредит уюшмаларини Кредит уюшмаларининг давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

67. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Кредит уюшмаларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилганидан кейин, кредит уюшмасини тугатиш тамомланган ҳисобланади.

Тугатиш натижасида пайдо бўлган ва фаолияти тугатилган кредит уюшмалари тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1219 «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамфармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1554-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг 2006 йил 11 мартдаги 274-В ва 30-сон «Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамфармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1554, 2006 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 11-сон, 97-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
274-В-1-сон

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 ноябрь,
176-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Келишилган:

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

2017 йил 27 ноябрь

*Миллий хавфсизлик
хизмати раиси*

Р. ИНОЯТОВ

2017 йил 27 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1220 **Ҳаво кемаларида почтани ташиш қоидаларининг
93-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2530-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ўРҚ–446-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 октябрдаги 57-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2530, 2013 йил 26 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 48-сон, 628-модда) билан тасдиқланган Ҳаво кемаларида почтани ташиш қоидаларининг 93-бандидаги «Хўжалик судига» деган сўзлар «иқтисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

назорат қилиш давлат инспекцияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в. б.

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 ноябрь,
159-мх-сон

Келишилган:

*Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи*

Т. УЛЬЖАЕВ

2017 йил 28 ноябрь

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори*

У. РОЗУКУЛОВ

2017 йил 28 ноябрь

*«Ўзбекистон почтаси»
акциядорлик жамияти
Бош директори*

Ш. АТАМУХАМЕДОВ

2017 йил 28 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1221 Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сонли «Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомни ҳамда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 октябрь,
13-мҳ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт давлат
қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги
13-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига
номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий
принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ўз фаолиятини амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари — халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси номидан иштирок этиш учун турли ёш гуруҳларига тегишли спортчилар, тренерлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги олимлар ва бошқа мутахассислар, тиббиёт мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислар жамоалари;

тренерлар кенгаши — спорт турлари бўйича бош (катта) тренерлар ва тренерлар, бошқа етакчи ва нуфузли тренерлар, врачлар, комплекс илмий гуруҳлар раҳбарлари ва бошқа мутахассисларидан иборат бўлган, спорт турлари бўйича республика федерацияларида (уюшмаларида) ёки улар бўлмаган тақдирда, республика олий спорт маҳорати мактабларида ташкил этиладиган спортчиларнинг спорт, педагогик ва тарбиявий фаолиятини тартибга солиб боровчи жамоа;

расмий республика ёки халқаро спорт мусобақалари — Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган расмий республика ёки халқаро спорт мусобақалари.

3. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларини шакллантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари

4. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришда қонунийлик, тенглик, объективлик, адолатлилик ҳамда ошкоралик принципларига асосланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатлари спортчиларнинг ўтган спорт мавсумида расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларидаги иштироки яқунларига кўра шакллантирилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларига:

мазкур Низомнинг 1-илоvasида назарда тутилган мезонларга мувофиқ расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларида юқори кўрсаткичларга эришган барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича спортчилар;

спортчиларни тайёрлашда бевосита қатнашган тренерлар ҳамда хизмат кўрсатувчи ва маъмурий ходимлар киритилади.

3-боб. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини тасдиқлаш

7. Спорт турлари бўйича республика спорт федерациялари (уюшмалари) келгуси йил учун тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари номзодлари рўйхатига киритиш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомга ҳамда мазкур Низомда белгиланган мезонларга мувофиқ спортчилар, шунингдек тренерлар ва хизмат кўрсатувчи ҳамда маъмурий ходимлар рўйхатини (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) шакллантиради.

8. Рўйхат тренерлар кенгашида муҳокама қилинади ва унинг натижаси бўйича кенгаш баённомаси расмийлаштирилади.

9. Рўйхат Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомнинг 1-илоvasига мувофиқ шаклда 3 та нусхада расмийлаштирилади ва мажбурий равишда:

спорт федерацияси (уюшмаси) раҳбари томонидан имзоланади ва спорт федерациясининг (уюшмасининг) муҳри (муҳр мавжуд бўлганда) билан тасдиқланади;

тегишли спорт тури бўйича бош (катта) тренер томонидан имзоланади;

тегишли спорт тури бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мавжуд бўлганда, ушбу мактаб раҳбари томонидан имзоланади ва мактабнинг муҳри билан тасдиқланади.

10. Рўйхат (3 та нусхада) спорт федерацияси (уюшмаси) раҳбари томонидан имзоланган тақдимномага илова қилган ҳолда ҳар йили 31 декабрга

қадар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига (бундан буён матнда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси деб юритилади) тақдим этилади.

Тегишли спорт тури бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мавжуд бўлганда, тақдимнома ушбу мактаб раҳбари билан келишилган ҳолда мактаб томонидан тақдим этилади.

Тақдимномага қўшимча равишда тренерлар кенгашининг рўйхатни муҳокама қилганлиги ҳақидаги баённомаси илова қилинади.

11. Тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан ҳар йили 10 январга қадар кўриб чиқилади. Бунда Рўйхат Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомга ҳамда мазкур Низомда белгиланган мезонларга мувофиқ шакллантирилганлиги ўрганиб чиқилади.

12. Рўйхатда камчиликлар аниқланган тақдирда, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси асослантирилган (камчиликлар кўрсатилган) хати билан рўйхатни уни тақдим этган ташкилотга қайтаради.

13. Республика спорт федерацияси (уюшмаси) (республика олий спорт маҳорати мактаби) Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг хатида рўйхат бўйича билдирилган камчиликларни бартараф этиб, рўйхатни мазкур Низомда белгиланган тартибда шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда тақдимномага (келишилган тақдимномага) илова қилган ҳолда 15 январга қадар Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига қайта тақдим этади.

14. Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Республика спорт федерацияси (уюшмаси) (республика олий спорт маҳорати мактаби) томонидан тақдим этилган рўйхатларни умумлаштиради ва 31 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди.

15. Йил давомида Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарори билан тасдиқланган Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомда кўрсатилган асосларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш зарурати бўлганда, Республика спорт федерацияси (уюшмаси) (республика олий спорт маҳорати мактаби) тақдимнома (келишилган тақдимнома) билан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига мурожаат қилади.

Бунда тақдимномага тренерлар кенгаши томонидан рўйхатни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартириш киритиш масаласи муҳокама қилганлиги ҳақидаги тренерлар кенгаши баённомаси илова қилинади.

16. Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги тақдимномани 10 кун ичида кўриб чиқади.

17. Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатига ўзгартиришлар Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг буйруғига асосан киритилади.

18. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича келгуси йил учун Ўзбе-

кистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхати Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан шакллантирилади ва ҳар йили 31 январга қадар тасдиқланади.

4-боб. Яқуний қоидалар

19. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

*Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2017 йил 26 октябрь

Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларида (ўтган спорт мавсумида) эришилган кўрсаткичларга (эгаллаган ўринларига) кўра спортчиларни Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларига киритиш
МЕЗОНЛАРИ

Спорт турлари, спорт турлари йўналишлари	Спорт терма жамоаси таркиби	Олимпия (паралимпия) ўйинлари, жаҳон чемпионатлари		Осиё чемпионати, Осиё ўйинлари		Жаҳон кубоги (боқсичлар йигиндиси ёки финал)		Осиё кубоги (боқсичлар йигиндиси ёки финал)		«А» тоифасидаги Халқаро мусобақалар	Ўзбекистон чемпионати		Ўзбекистон кубоги (боқсичлар йигиндиси ёки финал)	
		шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар	шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар	шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар	шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар		шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар	шахсий (жамоавий) мусобақалар, жамоавий спорт ўйинлари бўйича мусобақалар	жамоавий мусобақалар, эстафеталар
Спорт яккакурашлари, жумладан теннис, стол тенниси, бадминтон, оғир атлетика	асосий	1—8	-	1—6	-	1—8	-	1—4	-	1-2	1—3	-	1—3	-
	захира	9—16	-	7—12	-	9—16	-	5—8	-	3-4	4—6	-	4—6	-
Жамоавий спорт ўйинлари	асосий	иштирок этиш	-	1—4	-	1—4	-	1—3	-	1-2	1-2	-	1-2	-
	захира	иштирок этиш	-	5—8	-	5—8	-	4—6	-	3-4	3-4	-	3-4	-
Спортнинг қишки турлари	асосий	иштирок этиш	иштирок этиш	1—6	1—4	1—6	1—4	1—3	1-2	1-2	1-3	1—3	1-2	1-2
	захира	иштирок этиш	иштирок этиш	7—12	5—8	7—12	5—8	4—6	3-4	3-4	4-5	4-5	3-4	3-4
Бошқа спорт турлари	асосий	1—10	1—8	1—4	1—3	1—3	1-2	1—3	1-2	1-2	1—3	1—3	1-2	1-2
	захира	11—20	9—16	5—8	4—6	4—6	3-4	4—6	3-4	3-4	4-5	4-5	3-4	3-4

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1224 «Касб-хунарга ўқитиш марказларига ўқитишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2860-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 октябрдаги 824-сон «Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтакавий марказларида ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг 2017 йил 27 январдаги 3-Б-сон «Касб-хунарга ўқитиш марказларига ўқитишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2860, 2017 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 124-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 ноябрь,
43-Б-сон

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг биринчи ўринбосари,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими
маркази директори*

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

2017 йил 30 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 7 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 2 декабрдан 7 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2017 йил 22 ноябрдаги 36-Б-сон «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилотга хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2623-1.

2. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2017 йил 24 ноябрдаги 415, 162-сон «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1442-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/1-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/6-сон «Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1344-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/14-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 16-мх-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2550-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 13 ноябрдаги 17-мх-сон «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2953.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 31-сон «Биринчи гуруҳга қаттиқ хўжалик совунини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2493-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 32-сон «Биринчи гуруҳга ўсимлик ёғини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2512-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 33-сон «Биринчи гуруҳга сариеғ етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2492-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 34-сон «Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2488-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 35-сон «Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2483-1.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 36-сон «Биринчи гуруҳга чойни етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2486-1.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 37-сон «Биринчи гуруҳга йодланган ош тузи етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2484-1.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 38-сон «Биринчи гуруҳга шакар етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2485-1.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2017 йил 15 ноябрдаги 39-сон «Биринчи гуруҳга гўшт, сут ва балиқ консерваларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2489-1.

17. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 24 ноябрдаги 169-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-7.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/18-сон «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1815-2.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/19-сон «Банкнинг устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, номи ва жойлашган ерини ўзгартириш, уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4.10-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-6.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/21-сон «Банкларни тугатиш тўғрисидаги низомнинг 1.5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-6.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 611-4-сон «Пахта толасини экспорт қилиш ва пахта толасига ишлов берувчи республика корхоналарига сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1512-4.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 274-В-1, 176-сон «Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган харбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1554-1.

23. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2017 йил 28 ноябрдаги 159-мх-сон «Хаво кемаларида почтани ташиш қоидаларининг 93-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2530-1.

24. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 26 октябрдаги 13-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоаларига номзодлар рўйхатларини шакллантиришнинг умумий принциплари ва мезонлари, ушбу рўйхатларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2954.

25. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 23 ноябрдаги 571-сон «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1458-3.

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/20-сон «Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 570-2.

27. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2017 йил 30 ноябрдаги 43-Б-сон «Касб-хунарга ўқитиш марказларига ўқитишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 7 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2860-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда улар бўйича аттестациядан ўтказувчи ташкилотга хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2623, 2014 йил 29 октябрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 4 декабрдаги 420-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг «Спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва йўриқчи-услугчиларига малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2550, 2014 йил 8 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2550-1, 2016 йил 17 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 6 декабрдаги 425-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Пахта толасини экспорт қилиш ва пахта толасига ишлов берувчи республика корхоналарига сотиш бўйича чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотувни амалга ошириш ҳамда пахта толасини экспорт қилишга оид шартномалар бўйича банк кафолатларини бериш ва захира аккредитивларини очиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1512, 2005 йил 20 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1512-1, 2007 йил 19 январь), (рўйхат рақами 1512-2, 2008 йил 2 декабрь), (рўйхат рақами 1512-3, 2017 йил 13 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 6 декабрдаги 440-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлигининг «Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган ҳарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1554, 2006 йил 17 март).

Адлия вазирининг 2017 йил 6 декабрдаги 441-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирининг «Касб-ҳунарга ўқитиш марказларига ўқитишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2860, 2017 йил 22 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 7 декабрдаги 446-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

